



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 8 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 8, НОМЕР 8

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 8, ISSUE 8



ТОШКЕНТ-2023

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№8 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2023-8>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Artur Gambaryan

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

Yosuke Shamoto

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslavovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Skripnikov Nikolay Kuzmich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salayev Nodirbek Saparbayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirazov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


1. Худайбердиева Азиза ОБЩЕСТВЕННАЯ ПАЛАТА КАК ВАЖНЫЙ ИНСТИТУТ ОБЩЕСТВЕННОГО КОНТРОЛЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ОРГАНОВ.....	5
2. Адилходжаева Сурайё УСИЛЕНИЕ КОНСТИТУЦИОННЫХ МЕХАНИЗМОВ СВОБОДНЫХ РЫНОЧНЫХ ОТНОШЕНИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.....	13
3. Рузиназаров Шухрат ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУЛК ХУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА УНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДАГИ РОЛИ, АҲАМИЯТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	20
4. Исмаилов Исамиддин, Шарипов Санжар ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	41
5. Алтмишев Темурбек ПРОБАЦИЯ ХИЗМАТИНИНГ АХЛОҚ ТУЗАТИШ ИШЛАРИ ЖАЗОСИНИ ИЖРО ЭТИШНИ БУГУНГИ КУНДАГИ ҲОЛАТИ ВА УШБУ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШДАГИ МУАММОЛАР.....	53
6. Шамсидинов Зайниддин ЖИНОЯТ ҚОНУНИ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИГАН РАСМИЙ МАНБАЛАР ВА КУЧГА КИРИШ ПАЙТИ МАСАЛАЛАРИ.....	64
7. Зуфаров Ахмад КОНТРАБАНДАНИНГ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ: ЮРИДИК ТАҲЛИЛ ВА ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	72
8. Мавланов Камолиддин ТЕРГОВДА ШАХСНИ ЖИНОЯТ ИШИГА АЙБЛАНУВЧИ ТАРИҚАСИДА ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА УНГА АЙБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИГА ЗИД!?!.....	81
9. Рафиқов Шухрат ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИДА ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ.....	89
10. Умматов Мамарасул ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССЕСИДА ТАНИБ ОЛИШ УЧУН КЎРСАТИШ НАТИЖАСИДА ОЛИНГАН ДАЛИЛЛАРНИНГ МАҚБУЛЛИГИ БОРАСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР....	99
11. Almosova Shahnoza INTELLEKTUAL MULK HUQUQLARINI TA'MINLASH VA HUQUQBUZARLIKLARNI BARTARAF QILISH CHORALARI: O'ZBEKISTON VA GERMANIYA AMALIYOTINING QIYOSIY TAHLILI.....	106
12. Абдуллаева Маликабону ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ КОРРУПЦИЯНИ ТАСНИФЛАШ МАСАЛАЛАРИ....	112



Зуфаров Ахмад Марсович,
 Тошкент давлат юридик университети
 мустақил изланувчиси
 E-mail: zam.soiskatel@gmail.com

**КОНТРАБАНДАНИНГ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ: ЮРИДИК ТАҲЛИЛ ВА
 ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

For citation: Zufarov Axmad Marsovich. THE OBJECTIVE SIDE OF CONTRABAND: LEGAL ANALYSIS AND PROSPECTS FOR IMPROVING LEGISLATION. Journal of Law Research. 2023, 8 vol., issue 8, pp.72-80

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8312136>

АННОТАЦИЯ

Мақолада контрабанда жиноятининг объектив томони, шу жумладан, жиноятни содир этиш усуллари жиноят қонуни ва суд-тергов амалиётидан мисоллар билан таҳлил қилиб берилган. Шуниндек, сўнгги йилларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, контрабанда жиноятини содир этиш ҳолатлари кўпаяётганлигини инобатга олиб, ушбу ҳаракатлар учун жавобгарликни аниқ белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Контрабанда жинояти бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борган хориж ва миллий олимларнинг фикрлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: контрабанда, божхона қонунчилиги, божхона назорати, божхона чегараси, божхона назоратини четлаб ўтиш, яшириб ўтиш, божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб ўтиш, декларациясиз ўтиш, ноқонуний кесиб ўтиш.

Зуфаров Ахмад Марсович,
 Самостоятельный соискатель Тошкентского
 государственного юридического университета
 E-mail: zam.soiskatel@gmail.com

**ОБЪЕКТИВНАЯ СТОРОНА КОНТРАБАНДЫ: ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ И
 ПЕРСПЕКТИВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА**

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется объективная сторона преступления контрабанды, в том числе способы совершения преступления, на примерах из уголовного законодательства и судебно-экспертной практики. Также в последние годы с учетом участвовавших случаев совершения преступлений по контрабанде с использованием информационно-коммуникационных технологий разработаны предложения по определению ответственности за данные действия.

Проанализированы мнения зарубежных и отечественных ученых, проводивших научные исследования о преступлении контрабанды.

Ключевые слова: контрабанда, таможенное законодательство, таможенный контроль, таможенная граница, уклонение от таможенного контроля, сокрытие, с обманым использованием документов или средств таможенной идентификации, пересечение без декларирования, незаконное пересечение.

Zufarov Axmad Marsoviich,

Independent researcher of Tashkent State University of Law

E-mail: zam.soiskatel@gmail.com

THE OBJECTIVE SIDE OF CONTRABAND: LEGAL ANALYSIS AND PROSPECTS FOR IMPROVING LEGISLATION

ANNOTATION

The article analyzes the objective side of the crime of smuggling, including the methods of committing a crime, using examples from criminal law and forensic practice. Also in recent years, taking into account the increasing cases of crimes of smuggling using information and communication technologies, proposals have been developed to determine responsibility for these actions. The opinions of foreign and domestic scientists who conducted scientific research on the crime of smuggling are analyzed.

Keywords: smuggling, customs legislation, customs control, customs border, evasion of customs control, concealment, fraudulent use of documents or means of customs identification, crossing without declaring, illegal crossing.

Контрабанда учун жиноий жавобгарлик белгиланган ЖК 246-моддасида контрабанда жинояти объектив томонининг асосий белгиси сифатида – тегишли тақиқланган буюмларни “Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш” назарда тутилган.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ноқонуний ўтказиш икки шаклда амалга оширилиши мумкин – олиб кириш ёхуд олиб чиқиш. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси 15-моддасига мувофиқ, товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтиш – товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини божхона ҳудудига олиб кириш ёхуд ушбу ҳудуддан олиб чиқишдан иборат.

Бунда ушбу ҳаракатларни амалга оширишни тамом бўлиш вақти турлича бўлиши мумкин: олиб киришда – божхона чегарасини кесиб ўтиш вақти; олиб чиқишда – божхона декларациясини тақдим этиш ёхуд тақиқланган предметларни олиб чиқишга қаратилган қасдини бевосита амалга оширишга йўналтирилган бошқа ҳаракатларни содир этиш вақти.

Суд-тергов амалиётида ушбу жиноят асосан божхона чегарасига олиб кириш шаклида содир этилади, шу билан бирга суд-тергов амалиётида контрабанда йўли билан тақиқланган предметларни олиб чиқиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Масалан, биз ўрганган жиноят ишларида 2018 йилда Сирдарё вилояти жиноят ишлари бўйича Оқолтин туман судида судланувчи ўз уяли телефони хотирасида тақиқланган экстремистик мазмундаги электрон китобни Қозоғистон Республикасига олиб ўтмоқчи бўлиб, контрабанда жиноятини содир этганлиги аниқланди.

Юридик адабиётларда контрабандани содир этиш усуллари ҳақида турлича фикрлар билдирилган. Масалан, И.А.Николайчук “контрабандани содир этиш усулларининг икки гуруҳини ажратиш кўрсатади: 1) қонуний (очик) усуллар: а) зўрлик ишлатмасдан содир этиладиган усуллар – ҳужжатлар ва идентификация воситаларини (ёрлик, печат, маркировка ва б.) алдов йўли билан фойдаланиш. Кўп ҳолларда ушбу усул божхона органига сохта, ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар, ёрлик ва тамғаларни ва бошқа божхона ҳужжатларини тақдим этиш орқали амалга оширилади; б) яширин ёки очик хусусиятга эга ҳолда декларациясиз олиб ўтиш ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиш; в) зўравонлик усуллари – божхона ходимларининг тўғридан тўғри тақиқига қарамай божхона чегарасини очикдан-очик бузиб

кириш; 2) яширин (махфий), яъни: а) контрабанда объектларини чегарани ноқонуний кесиб ўтиш орқали ўтказиш; б) объектларни божхона назоратидан яшириш” [1].

А.И.Чучаев таъкидлаганидек, “божхона назоратидан яшириш кўп ҳолларда уларни махфий туйнукларга ёки бошқа жойларда, масалан, жонсиз объектларда, инсонларда, уй хайвонларида ва бошқаларда яшириш орқали амалга оширилади” [2].

Олий суди Пленумининг 2023 йил 20 февралдаги 2-сонли “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, “божхона чегараси орқали товарларни ноқонуний ўтказишда фойдаланилган транспорт воситалари (контейнерлар) фақат товарлар божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ўтказилган ҳолдагина жиноят қуроли деб топилади”[3]. Яъни ЖК 246-моддасида назарда тутилган контрабанда жиноятини содир этишнинг бошқа усуллари, шу жумладан, божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб ўтказилганда транспорт воситалари (контейнерлар) жиноят қуроли деб ҳисобланмайди.

“Контрабандани квалификация қилишда жиноятни содир этиш усулини аниқлаш мажбурий ҳисобланади”[4]. Бу борада адабиётларда таъкидлаганидек, “Контрабанданинг тамом бўлган жиноят деб ҳисоблаш вақти маҳсулотни олиб кириш ёки олиб чиқишдан ва жиноятни содир этиш жойидан келиб чиқиб фарқланади. Контрабанда предметини божхона чегарасига олиб киришда жиноятнинг тугалланиш вақти божхона чегарасини фактик кесиб ўтиш вақти билан белгиланади. Контрабанда предметини божхона чегарасидан олиб чиқиб кетишда жиноят божхона декларациясини тақдим этган ёки ушбу жиний мақсадига эришишга қаратилган ҳаракатларини бевосита амалга оширишга киришган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади”[5].

Бошқа бир гуруҳ олимлар эса, юқоридаги фикрга қарама-қарши равишда “контрабанда жиноятида унинг предмети бўлган юкни божхона (давлат) чегарасининг бир тарафидан бошқа тарафига олиб ўтилиши уни тамом бўлган жиноят сифатида топишнинг мажбурий белгиси ҳисобланади. Юкнинг божхона чегараси чизигини кесиб ўтишига қадар содир этилган ҳаракатлар контрабандага тайёргарлик кўриш ёки суиқасд сифатида баҳоланиши лозим. Жиноятнинг тамом бўлиш вақтини унинг суиқасд қилиш босқичига ўтказиш субъектнинг жиноятни якунига етказишдан ихтиёрий қайтишга бўлган ҳуқуқидан маҳрум этади”[6], деб ёзадилар.

В.Соболев ва С.Душкинлар эса, контрабанданинг тамомланиш вақти сифатида “божхона декларациясини тақдим этишни эмас, балки контрабанда предмети бўлган товар ёки предметларни ноқонуний олиб ўтиш мақсадида божхона декларациясини тақдим этгандан сўнг амалга оширилган ҳаракатларни”[7] кўрсатса, Л.Роговых “божхона қонунчилиги қоидаларидан фойдаланиш йўли билан жиноят босқичини аниқлашда аниқ ёндашув шаклланмаганлигини”[8] қайд этади.

Бизнинг фикримизча, контрабанданинг тамом бўлиш вақти масаласини ҳал этишда “ўтказиш” тушунчасидан, шунингдек, жиноят ҳуқуқи назариясидан келиб чиқиб ёндашиш тўғри бўлади. Хусусан, контрабанда формал таркибли жиноят эканлигини инобатга олсак, жиноят ҳуқуқида формал таркибли жиноятлар жиний хатти-ҳаракатларни содир этиш вақтидан бошлаб тамом бўлган деб ҳисобланади. Шунга қўра, контрабанда унинг предмети бўлган буюм ва предметларни ўтказишга қаратилган ҳаракатлар бошланган вақтдан эътиборан тамом бўлган ҳисобланади, деган хулосага келиш мумкин.

Қозоғистонлик олимлар Т.И.Ермекбаева ва Б.У.Сейтхожинлар таъкидлаганидек, “контрабандани тамом бўлган таркибини унга суиқасд қилишдан фарқлашда мазкур жиноят таркибининг объектив томонини ташкил этувчи ҳаракатлар тўлиқ ёки қисман бажарилган ёки бажарилмаганлигига эътибор қаратиш зарур”[9].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, контрабанда унинг предметини мамлакатга олиб кириш билан боғлиқ бўлганда жиноят контрабанда предмети Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан олиб ўтилган вақтдан, олиб чиқишда эса, божхона чегарасини амалда кесиб ўтган вақтдан бошлаб тамом бўлган ҳисобланади.

Контрабандага тайёргарлик кўриш эса, божхона назоратини амалга ошириш босқичида, масалан, божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатларни ёки бошқа номга ёзилган декларацияни тақдим этишда ёки ундан ҳам анча олдинроқ, шу жумладан, контрабанда предметини қўлга киритиш вақтида бўлиши ҳам мумкин.

Кўриб чиқиладиган муаммони ўрганган И.В.Розумань уни “формал таркибли жиноят сифатида қуйидаги объектив белгиларини ажратиш кўрсатишни таклиф қилади: 1) божхона чегарасидан ўтказиш ўз ичига қуйидагиларга қаратилган ҳаракатларни қамраб олади: контрабанда предметини божхона чегарасига олиб кириш, яъни контрабанда предметини божхона чегарасидан фактик олиб ўтиш ва уни божхона органлари томонидан чиқариб юборгунга қадар амалга оширилиши мумкин бўлган бошқа ҳаракатлар; контрабанда предметини божхона чегарасидан олиб чиқиш, яъни бошқа номга ёзилган декларацияни тақдим этишдан ёки олиб чиқишга қаратилган бошқа ҳаракатларни содир этишдан бошлаб, божхона чегарасини фактик кесиб ўтишга қадар бўлган ҳаракатлар; 2) олиб кириш билан боғлиқ контрабандани тамом бўлган деб топиш учун унинг предмети божхона чегарасини амалда кесиб ўтган бўлиши лозим. Олиб чиқиш билан боғлиқ контрабандада божхона органи мансабдор шахси томонидан ўтказиладиган предметлар бўйича декларация қабул қилинган ва қайд этилган вақт жиноятни тамом бўлиш вақти ҳисобланади; 3) жиноят содир этиш жойи божхона чегараси ҳисобланади”[10].

Контрабанданинг объектив томони ҳаракат – божхона чегарасидан контрабанда предметини ўтказиш билан тавсифланади, унинг содир этилиш жойи – божхона чегараси ҳисобланади. Бу борада Э.Мухамадалиев таъкидлаганидек, “товарларни божхона назоратини четлаб ўтказиш уларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига божхона чегараси орқали ўтказиш пунктларидан ташқари ёки божхона назорати ўтказиш вақтидан ташқари олиб кириш ёки мазкур ҳудуддан олиб чиқишдан иборат ҳар қандай ҳаракатда ифодаланади”[11]. Л.Ф.Рогатых ёзганидек, “жиноий жазоланадиган контрабанда ҳаракат – божхона чегарасидан божхона қонунчилигини, хусусан, унинг товарларни ўтказиш жойи ёки тартибига оид қоидаларини бузган ҳолда ўтказиш орқали содир этилади”[12].

Таъкидлаш лозимки, контрабандада жиноятнинг объектив томони содир этиш жойи алоҳида аҳамиятга эга. Яъни контрабанда жинояти божхона чегараси билан боғлиқ бўлиб, жиноят контрабанда предметини ушбу чегарадан ноқонуний ўтказиш билан боғлиқ бўлади.

Аксарият ҳолларда контрабандани содир этиш жойи божхона чегара постлари бўлади. Айрим ҳолларда амалиётда контрабанда божхона постларини четлаб ўтган ҳолда ҳам амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 5-моддаси ва “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддаси мазмунига кўра, Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси билан устма-уст тушади. Божхона чегарасига қонунда эркин божхона зоналари ва эркин омборлар тегралари (периметрлари) ҳам киритилган. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудини унинг буткул давлат ҳудуди ташкил этади, эркин божхона зоналари ва эркин омборлар ҳудудлари бундан мустасно.

ЖК 246-моддаси диспозициясидан англашиладики, контрабанда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш сифатида объектив томондан қуйидаги усулларда содир этилиши мумкин:

1) божхона назоратини четлаб ўтиш деганда, контрабанда предметини божхона органлари томонидан белгиланган жойлардан бошқа жойларда ёхуд божхона расмийлаштируви амалга ошириладиган вақтдан ташқари вақтда қонунга хилоф равишда олиб ўтиш тушунилади.

Масалан, суд-тергов амалиётида 2021 йил 20 апрель куни жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти Сардоба туман судининг мажлисида судланувчи Ш.га нисбатан кўриб чиқилган ишда унинг бир гуруҳ шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини контрабанда қилишда иштирок этганлиги аниқланган. Хусусан, иш материалларига кўра, Ш. Тожикистонда яшовчи шахснинг кўрсатмасига биноан, Сирдарё вилояти Ховос тумани “Ховособод” маҳалласи ҳудудига давлат чегараси сим

тўсиқлари орасидан контрабанда қилиш йўли билан олиб ўтилган ҳамда Ховос тумани “Бунёдкор” маҳалласи худудидаги мол бозорида цемент-бетонлар ёнига яшириб қўйилган 1 дона, қора рангли сумкага солинган, жами 10 дона полиэтилен ўрамлардаги соф оғирлиги 9.745 граммга тенг “гашиш” гиёҳванд моддасини олиб кетмоқчи бўлганда қўлга олинган. Мазкур ҳолатда Ш.нинг ҳаракатлари ЖКнинг 28 ва 246-моддаси 2-қисми билан малакаланган[13].

Таъкидлаш лозимки, “божхона назоратини четлаб, товарлар ёки бошқа моддий қимматликларни, шунингдек контрабанда ашёларини учувчисиз учадиган аппаратдан фойдаланилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказилганида, ЖК 244⁴ ёхуд 248¹-моддаси билан жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим”[3].

2) божхона назоратидан яшириб ўтиш деганда, контрабанда предметини ташқаридан қараганда кўринмайдиган тарзда яшириб, шу жумладан, махфий туйнуклардан ёки контрабанда предметини пайқашни қийинлаштирадиган бошқа усуллардан фойдаланиб ёхуд бир предметни бошқа предметга ўхшатиб кўрсатиш, уни бошқа буюмлар билан аралаштирган ҳолда яшириш орқали кўздан пана қилиш.

Р.Кабуловнинг фикрича, “товарларни олиб ўтиш (ёки бошқа тарзда кўчириш) назоратсиз ёки назоратдан яшириб ўтиш махсус тайёрланган нарса яширадиган ҳамёнлар, жойларда божхона чегарасидан бойликларни яшириб олиб ўтаётганда, шунингдек ушбу мақсадларда махсус мослашган идишлар ёки транспорт воситаларидаги пана жойлар, багажлар, кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари (масалан, икки қават таглиги бўлган жамадон ёки консерва банкасида фойдаланиш, кийимда бўшлиқ ёки нарса яширадиган жойларни қолдириш ва ҳоказолар)да намоён бўлади”[15].

Э.Мухамадалиев эса, “товарларни божхона назоратидан яшириш деганда уларни топишни қийинлаштириш ёхуд уларнинг асл хусусияти ёки миқдорини яшириш (масалан, айрим бир товарларга бошқасининг кўринишини бериш, товарларни қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказиш учун махсус тайёрланган ёки мослаштирилган хуфия жойлардан (чемоданлар, сумкалар, транспорт воситалари, контейнерлар ва бошқа ташиш воситаларининг конструкциявий (тузилиш) хусусиятига кўра, ашёларини сақлаш ёки ташишга мўлжалланмаган бўшлиқлари, деворлари (рамалари) ораларидан фойдаланиш, жиноят предметларини одам танасида яшириш)га қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар тушунилади”[16], деб ҳисоблайди.

Таъкидлаш лозимки, туйнуклар товарни аниқлашни қийинлаштирувчи усул бўлиб, улар икки хил кўринишда бўлиши мумкин: 1) контрабанда предметини божхона назоратидан яшириш учун мўлжалланган, махсус ясалган қурилмалар, масалан, автотранспорт воситасида ишлаб чиқарувчи конструкциясида назарда тутилмаган қўшимча, кўздан панада бўлган қисм ўрнатиш; 2) конструктив ўзгартиришлар орқали туйнук шаклига келтирилган, мослаштирилган (масалан, автотранспорт воситасининг ёқилғи сақлаш қутисини қайта монтаж қилиш орқали, унда гиёҳванд моддаларни сақлаш учун ажратилган алоҳида қисм киритиш ва б.).

Демак, махфий туйнук деганда, предметни яшириш мақсадида махсус тайёрланган қурилма, масалан, пойафзалнинг таг қисмида, ҳассада, соябонда, автотранспорт воситаларининг кўз тушмайдиган қисмларида махсус жиҳозланган қисмлар тушунилади. Суд-тергов амалиётида гиёҳванд моддаларни кичик қадоқларга жойлаб, ютиб юборган ҳолда ошқозонида олиб ўтиш ҳолатлари ҳам учрайди.

Суд-тергов амалиётига назар соладиган бўлсак, 2019 йил 11 январда жиноят ишлари бўйича Сирдарё тумани судида кўриб чиқилган жиноят ишида судланувчи А. контрабанда предмети бўлган икки ўрамдаги “марихуана” гиёҳванд воситаларини божхона чегарасидан ўтказиш мақсадида ўнг оёғидаги қора рангли пайпоғи ва эгнидаги турсиги ва ички кийими оралиғига яширган[17].

Божхона назоратидан яшириб ўтиш контрабанда предметини божхона чегарасидан олиб ўтилиши тақиқланмаган, муомаласи чекланмаган бошқа буюмларга ўхшатиб, ташқи

кўринишини ўзгартириш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда контрабанда предметининг ташқи белгилари жиддий ўзгартирилиши натижасида уни ташқи кўздан кечиришда бошқа турдаги предмет деб ҳисоблаш мумкин бўлади. Масалан, гиёҳвандлик моддаси ун, шакар каби истеъмол товарлари, портловчи моддалар ҳам маиший товарлар кўринишида олиб ўтилиши мумкин.

Масалан, суд-тергов амалиётида жиноят ишлари бўйича Сирдарё тумани томонидан 2022 йил 4 июнда кўриб чиқилган жиноят ишида эса, судланувчи Б. 2,77 грамм кўкнори гиёҳванд моддасини “PhytoMix” номли дорининг елим идишига жойлаган ҳолда Ўзбекистон божхона чегарасидан ўтказаетган вақтида қўлга олинган[18].

3) божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб ўтиш деганда, контрабанда предмети бўлган буюм ва предметларни божхона чегарасидан олиб ўтиш учун асос сифатида божхона назорати органларига қалбакилиги аён бўлган, ёхуд ноқонуний йўл билан қўлга киритилган ёинки бошқа бошқа маҳсулотларга тегишли бўлган божхона ҳужжатларини ёки воситаларини ёхуд уларга ўхшатиб ясалган ҳужжатларни тақдим этиш, худди шунингдек, сохта ёрлиқ, тамға, маркировка, штамп, муҳр ва бошқа воситаларни ёхуд ҳақиқий бўлсада, бошқа маҳсулотларга тегишли бўлганларидан фойдаланиш тушунилади. Бунда алдаш божхона органига контрабанда предметини божхона чегарасидан ўтказиш мақсадида сохта ҳужжатларни, ноқонуний йўл билан олинган ҳужжатларни, нотўғри маълумотлар кўрсатилган ҳужжатларни, бошқа маҳсулотларга тааллуқли ҳужжатларни, шу жумладан, уларни божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясаган ҳолда тақдим этишда намоён бўлади. Бунда божхона органларини алдаш контрабанда предметини божхона чегарасидан ўтказиш мақсадига эришишга йўналтирилган бўлади. Алдаш контрабанда жинояти объектив томонининг ҳар қандай усулига хос бўлиши мумкин.

Сохта ҳужжатлар деганда тўлиқ қалбаки бўлган ҳужжатлар ёки асли ҳақиқий бўлсада, ноқонуний ўзгартириш киритилган, яъни матннинг бир қисми ўчириб ташланган, қўшимча маълумотлар киритилган ва бошқача тарзда тузатилган ҳужжатлар тушунилади.

Олий суд Пленумининг 2023 йил 20 февралдаги 2-сонли “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорига кўра, божхона ҳужжатлари ёки божхона идентификациялаш воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиш деб: била туриб қалбаки ҳужжатлар; била туриб ёлғон маълумотлар киритилган ҳужжатлар; қонунга хилоф равишда олинган ёки бошқа товарларга тегишли ҳужжатлар; ҳақиқий бўлмаган ҳужжатларни божхона органларига тақдим этиш, шунингдек қалбакилаштирилган божхона идентификациялаш воситаларидан (пломбалар, муҳрлар, тамғалар босиш, идентификациялаш белгилари, штамплар ва БК 197-моддасида назарда тутилган бошқа идентификациялаш воситалари) ёки бошқа товарларга тегишли ҳақиқий идентификациялаш воситаларидан фойдаланиш тушунилиши лозим [19].

4) контрабанда усули сифатида декларациясиз олиб ўтиш ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб ўтиш деганда, “божхона органига контрабанда предмети бўлган, божхона чегарасидан ноқонуний олиб ўтилаётган предмет ва воситалар ҳақида белгиланган тартибда ва шаклда хабар бермаслик”[20] тушунилади. Декларациялаш тартиби ва шакллари божхона қонунчилиги билан белгиланган.

Сўнгги йилларда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши билан Ўзбекистонга чет эл давлатидан контрабанда предмети бўлган тақиқланган предметларни бошқа муомаласи чекланмаган буюмлар ниқоби остида **Интернет дўконлар орқали буюртма қилиш** ҳолатлари ҳам учрамоқда. Мазкур ҳолатда ҳам шахснинг қилмиши ЖК 246-моддаси билан малакаланади. Хусусан, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман суди 2021 йил 19 августда кўриб чиқилган жиноят иши материалларига кўра, судланувчи А. “Alibaba” Интернет дўкони орқали Нидерландия давлатидан 100 грамм миқдордаги кучли таъсир қилувчи “прегабалин” моддаси учун “Kapitalbank VISA Classic” картасидан тўловини амалга ошириб, уни почта жўнатмаси кўринишида, божхона

декларациясида “блутуз калонка” (“bluetooth speaker”) деб кўрсатган ҳолда буюртма беради. Шахс буюртмани почта бўлинмасидан олиб чиқаётган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қўлга олинади[14].

Юқоридагилар асосида контрабанданинг объектив томони бўйича қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан қуйидаги ҳулосаларга келиш мумкин:

биринчидан, сўнгги йилларда жаҳон миқёсида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши ўз навбатида контрабандани содир этишнинг янги шакл ва қўринишлари вужудга келишига ҳам туртки бўлди. Хусусан, таҳлиллар охириги вақтларда Ўзбекистонга ҳам чет эл давлатидан тақиқланган буюмларни (контрабанда предмети) бошқа муомаласи тақиқланмаган буюмлар ниқоби остида **Интернет дўконлар орқали буюртма қилиб, почта орқали олишга** уриниш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Бунда шахснинг ҳаракатлари жинойт бажарувчиси сифатида малакаланишида юридик жиҳатдан турли муаммоли ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида Интернет орқали контрабанда предметини буюртма қилишни ҳам жинойтни содир этиш усули сифатида ЖК 246-моддасининг биринчи қисмига кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ;

иккинчидан, ЖК 246-моддасида контрабанда жинойтининг объектив томони бўйича оғирлаштирувчи ҳолатлари етарлича очиб берилмаган. Хусусан, қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига таъсир этишидан келиб чиқиб, контрабанда жинойтини чегарани бузиб ўтиш, яъни божхона ёки чегара хизматининг розилигини олмасдан туриб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан очикдан-очик ўтказиш йўли билан содир этишни ҳам алоҳида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида кўрсатиш мақсадга мувофиқ;

учинчидан, контрабандани содир этиш усули сифатида ЖК 246-моддасига “божхона ҳужжатлари, воситалари ёки декларацияда нотўғри, ҳақиқий бўлмаган, сохта ёки ёлғон маълумотларни кўрсатиб” хатти-ҳаракатини ҳам киритиб ўтиш лозим. Чунки, амалдаги ЖК 246-моддасида “декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб” деган фабуладан фойдаланилган, ваҳоланки, амалиётда нафақат бошқа номга ёзилган декларациядан, балки бошқача тарзда товар коди, миқдори ёки бошқа кўрсаткичлари ўзгартирилиб фойдаланган ҳолатлар ҳам учрайди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Николайчук И.А. Соккрытие преступлений как форма противодействия расследованию: Автореф. дисс. ... д-ра юрид. наук. – Краснодар, 2010. – С. 37. (Nikolaychuk I.A. Concealment of crimes as a form of counteraction to the investigation: Abstract of the thesis. diss. ... Dr. jurid. Sciences. – Krasnodar, 2010. – p. 37.)
2. Чучаев А.И. Ответственность за контрабанду // Немецкая и российская уголовно-правовая наука: точки соприкосновения. Потсдам, 2013. – С.17. (Chuchaev A.I. Responsibility for smuggling // German and Russian criminal law science: points of contact. Potsdam, 2013. - p.17.)
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 20 февралдаги 2-сонли “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори // www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси (Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan dated February 20, 2023 No. 2 "On judicial practice in cases of violation of customs legislation and cases of smuggling" // www.lex.uz - National Database of Legislative Information of the Republic of Uzbekistan.)
4. Бисенғали Л. Уголовно-правовые и криминологические меры противодействия экономической преступности: Дисс. ... доктора философии (PhD). – Алматы, 2018. – С. 59. (Bisengali L. Criminal law and criminological measures to counteract economic crime: Diss. ... Doctor of Philosophy (PhD). - Almaty, 2018. - p. 59.)

5. Преступления в сфере экономики: учебное пособие для вузов / Н.А.Лопашенко, М.И.Третьяк; отв. ред. А.В.Наумов, А.Г.Кибальник. – М.: Юрайт, 2023. – С.218; Горелик А.С., Шишко И.В., Хлупина Г.Н. Преступления в сфере экономической деятельности и против интересов службы в коммерческих и иных организациях. – Красноярск, 1998. – С.100-101. (Crimes in the sphere of economy: textbook for universities / N.A. Lopashenko, M.I. Tretyak; resp. ed. A.V. Naumov, A.G. Kibalnik. - M.: Yurayt, 2023. - p. 218; Gorelik A.S., Shishko I.V., Khlupina G.N. Crimes in the sphere of economic activity and against the interests of service in commercial and other organizations. – Krasnoyarsk, 1998. – p.100-101.)
6. Сучков Ю.И. Защита внешнеэкономической деятельности Российской Федерации по уголовному и таможенному законодательству: проблемные аспекты теории и законодательства: Дисс. ... док-ра юрид. наук. – Калининград, 1997. – С.33-34.; Волженкин Б.В. Экономические преступления. – СПб: Юрид. центр Пресс, 1999. – С.183; Деятельность таможенных органов по выявлению и раскрытию преступлений: Учебно-практическое пособие / Под.ред. А.В.Федорова, А.В.Аграшенкова. СПб., 1997. – С.99. (Suchkov Yu.I. Protection of foreign economic activity of the Russian Federation under criminal and customs legislation: problematic aspects of theory and legislation: Diss. ... Dr. jurid. Sciences. - Kaliningrad, 1997. - p. 33-34. ; Volzhenkin B.V. economic crimes. - St. Petersburg: Jurid. Center Press, 1999. - p.183; The activities of customs authorities to identify and solve crimes: Educational and practical guide / Ed. A.V. Fedorova, A.V. Agrashenkova. SPb., 1997. - p. 99.)
7. Соболев В., Душкин С. Контрабанда: вопросы квалификации, специальной конфискации и хранения предметов преступления // Законность. – 1999. – №7. – С.34. (Sobolev V., Dushkin S. Smuggling: questions of qualification, special confiscation and storage of objects of crime // Legitimacy. - 1999. - No. 7. - p.34.)
8. Рогатых Л.Ф. Контрабанда: проблемы уголовно-правовой характеристики: Дисс. ... канд. юрид. наук. – СПб, 1999. – С.108. (Rogatykh L.F. Smuggling: problems of criminal law characteristics: Diss. ... cand. legal Sciences. - St. Petersburg, 1999. - p.108.)
9. Ермекбаева Т.И., Сейтхожин Б.У. Проблемы отграничения оконченного состава экономической контрабанды от стадий приготовления и покушения // Карагандинский университет Казпотребсоюза –<https://niiep.keu.kz> (Ermekbaeva T.I., Seitkhozhin B.U. Problems of delimitation of the finished composition of economic contraband from the stages of preparation and attempt // Karaganda University of Kazpotrebsoyuz – <https://niiep.keu.kz>)
10. Розумань И.В. Уголовная ответственность за контрабанду (по материалам Сибирского федерального округа): Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Омск, 2005. – С. 10. (Rozuman I.V. Criminal liability for smuggling (based on the materials of the Siberian Federal District): Abstract of the thesis. diss. ... cand. legal Sciences. - Omsk, 2005. - p. 10.)
11. Мухамадалиев Э. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятининг объектив белгилари // Юридик фанлар ахборотномаси – Вестник юридических наук – Review of law sciences. – 2020. – №3. – Б.138-139. (Mukhamadaliyev E. Objective signs of the crime of violation of customs legislation // Review of law sciences. - 2020. - No. 3. - p.138-139.)
12. Рогатых Л.Ф. Уголовно наказуемая контрабанда. – СПб., 2005. – С.51-52. (Rogatykh L.F. Criminal smuggling. - St. Petersburg, 2005. - p.51-52.)
13. Жиноят ишлари бўйича Сардоба туман судининг 2021 йил 20 апрелдаги 1-1207-2101/8-сонли жиноят иши (Criminal case No. 1-1207-2101/8 of Sardoba District Court on April 20, 2021.)
14. Тошкент шаҳар Учтепа туман судида 2021 йил 19 августда кўрилган 1-1007-2105/246 сонли жиноят иши (Criminal case No. 1-1007-2105/246 heard on August 19, 2021 in the Uchtepa district court of Tashkent city.)
15. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. З.Х.Фулломов, Р.А.Зуфаров, Р.К.Кабулов, М.М.Қодиров ва бошқ. – Тошкент: Адолат, 1997. – Б.232-233. / Comments

- on the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. Z.Kh. Gulomov, R.A. Zufarov, R.K. Kabulov, M.M. Kadirov and others. - Tashkent: Adolat, 1997. - p.232-233.)
16. Мухамадалиев Э. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятининг объектив белгилари // Юридик фанлар ахборотномаси – Вестник юридических наук – Review of law sciences. – 2020. – №3. – Б.138-139. (Muhamadaliyev E. Objective signs of the crime of violation of customs legislation / Review of law sciences. – 2020. – No. 3. - p.138-139.)
 17. Сирдарё вилояти жиноят ишлари бўйича Сирдарё туман судида 2019 йил 11 январда кўрилган 1-1208-1801/198-сонли жиноят иши (Criminal case No. 1-1208-1801/198 heard on January 11, 2019 in the Syrdarya district court on criminal cases of the Syrdarya region.)
 18. Сирдарё вилояти жиноят ишлари бўйича Сирдарё тумани судида 2022 йил 4 июлда кўрилган 1-1208-2202/145-сонли жиноят иши (Criminal case No. 1-1208-2202/145 heard on July 4, 2022 in the Syrdarya district court on criminal cases of the Syrdarya region.)
 19. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 20 февралдаги 2-сонли “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори // www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси (Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan dated February 20, 2023 No. 2 "On judicial practice in cases of violation of customs legislation and cases of smuggling" // www.lex.uz - National Database of Legislative Information of the Republic of Uzbekistan.)
 20. Саидов Ш.Н. Уголовная ответственность за контрабанду по законодательству Республики Таджикистан: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2011. – С. 22-23. (Saidov Sh.N. Criminal liability for smuggling under the legislation of the Republic of Tajikistan: Abstract of the thesis. diss. ... cand. legal Sciences. - M., 2011. - p. 22-23.)

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 8 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 8, НОМЕР 8

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 8, ISSUE 8

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000